

ШЕРДОР МАДРАСАСИ

Ушбу мадрасаси олия Туркистон подшоларидан Имомкулихон хазратларининг давринда сипохсолор ва ҳам Самаркандга волий бўлгон Абдулкарим Ялангтўш Баходир тарафидан бино килингандур.

Ялангтўш Баходир Самарканд аскарлари ила Хуросон ва Машхадни истило этиб, ул тарафдан келтургон амвол, ганойим ила Самаркандга ушбу Шердор ва ҳам Тиллакори мадрасаларини бино этибдур. Бу мадрасалар дохилан ва хорижан чиний мулавви қоши ила зийнат берилиб қошиларини аксари гўё бугун усто ва санъаткор кўлидин чикгон кабилдур.

Тарих биноти Шердор мадрасасини дохилий ва гарбий токинда чиний музойик ила зердаги вахт узра назман ёзилгандур...

Шердор мадрасасининг мадхали ва жабахаси гарбдаги Мадрасаси Мирзо Улугбек Кўрагоний мадрасаси мохазисинда мутаважжих ва иккиси юз ба юз бир шаклда бино килинган. Иккиси фосиласи юз аршин ва ораси тош фарш килинган васиъ бир майдондурки, Регистон аталур.

Регистоннинг шимоли ва жануби катта йўл бўлуб, шимолидаги каноринда болода зикр килинган икки мадраса рукн ва зовияларига муқобил Тиллакори мадрасаси мабнидур. Шердорнинг самти хориждан хадди гарбия ва шаркияси 82 аршиндан, шимолий ва жанубий жихатлари 95 аршиндан бўлуб, жамъан 779 мураббаъ аршин ерни мухтавийдур.

Шердорни сахни дохилиясининг гарбий ва шаркий хадлари 54 аршиндан, шимолий ва жанубий тарафлари 52 аршиндан бўлуб, вусъати 2808 мураббаъ аршин ва ери мармар тош ила фарш бўлуб, тўрт жихатдан хужралар ва тўрт катта равоннинг жабахаси ушбу мураббаъ сахнга мутаважжих ва нафси иморатни ўрни 4910 мураббаъ аршин ерни шогилдур. Мадраса икки ошиёна бўлуб, 64 хужра, икки катта дарсхона, дохилан тўрт катта токни мухтавийдур...

Пештокнинг хорижий жабхасинда мехробнинг икки тарафинда бир-бирига мукобил йкки шер (арслон) шаклини мусаттах чиний ва кошилар ила арслон рангида мулавван тасвир килингани учун Мадрасаи Шердор аталибдур. Арслон накшасининг асари бу кунда ҳам маълумдур. Мадраса ва миноранинг бошка жихатларинда тасвир йўк ва аксарият ила ояти хадис ва тарихи абётни мармарларга музойикланган ва коши мулавван чинийлар ила ёзилгандур. Мадраса минора ва куббаларининг бутун сатхини араб, эрон, хинд услуб наккошиси узра мулаввун чиний ва рангоранг коши ила нихоят нафис суратда накшлангандурки, тўрт аср бўлган бўлса ҳам кошилар офтоб ва ой нурини акс этдурар ва кўзни камашдурар.

Минора мадхалига етгандан сўнгра минора ичиндаги 56 зина воситасила миноранинг шарафаси устинда минилур. Энди ушбу буюк минора устидан Самарканд фирдавсмонандининг зумурраддин богу бўстонлари, хушоханг латиф нахрлари, тўгри ва аважожлик йўлларини тамошо этиб, Самарканд шаҳри офокнинг атрошом, соғлом, нафис хавосини шимитмали ва бу муборак офокдаги юзлар ила тариз тоғ парчаларидек мадраса, дахма, кубба, масжидларни сайр килмали.

У муборак кубба, дахма ва букъалар боний ва сокинларининг мозийга мадфун ва мужассам тарихий ва диний кахрамонликларини ёд этиб, баҳри таоммикига махв ва гарк ўлмали.

«Ойна» журнали, 1913 йил, 1-сон, 6—9-бетлар.